


## «ОДОБ АС-СОЛИХИН» АСАРИ – ШАРҚОНА АХЛОҚ ТАМОЙИЛИ



**Мохира Абдуллаева,**  
Тошкент ислом  
университети  
ўқитувчиси

Хар бир жамиятда кишиларнинг муайян урф-одат ва маросимлари шаклланади. Улар маълум бир ғоялар, қарашлар, ахлоқ нормаларини ҳам ифодалайди.

Урф-одатлар ижтимоий маданиятнинг ўзига хос амалий томонидир. Улар тургун ва барқарор тавсифга эга бўлиб, айрим ёки якка шахслар томонидан эмас, балки кўпчилик томонидан рўёбга чиқарилади. Масалан, отоналарга ҳурмат, кексаларга эҳтиром, меҳмондўстлик қабилар халқимизнинг энг асосий урф-одатларидан бўлиб, буларга халқ анъаналарининг бир кўриниши сифатида амал қилинади.

Олимлар томонидан «Шарқона ахлоқ кодекси» деб номланган Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг «Одоб ас-солиҳин» асарида ҳам юртимизда амал қилиб келинган ахлоқ нормалари батафсил баён этиб берилган. Шунинг учун ҳам, Шарқ педагогикаси тарихида «Қобуснома» каби бу асар ҳам ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Асар халқимизнинг XIX аср бошларидаги одоб-ахлоқ меъёрлари ва диний-миллий қадриятларини ўзида мужассам этган.

Адиб 1740 йилда Қашғарда таваллуд топган. У тарихчи, адабиётшунос, мутасаввиф, мутафаккир олим, шоир ва таржимон сифатида танилган.

Қошғарий бошланғич таълимни отаси Мулла Шоҳ Аълам Охундан олгач, Қашғардаги машхур мадрасаи Хомидияда таҳсил давом эттиради. У ерда араб, форс тилларини, математика, адабиёт, тарих, жўгрофия ва диний билимларни мукамал эгаллаб, замонасининг кўзга кўринган олими даражасига эришади.

Муҳаммад Содиқ Қашғарий ҳаёти давомида катта илмий мерос қолдирган. Манбаларда унинг «Тазкираи Азизон» (Тазкираи Хўжагон), «Зубдат ал-масойил», «Тазкира-и асҳоб ал-қаҳф», «Тарихи Искандар ва Тожиномаи

шоҳи», «Одоб ас-солиҳин», «Қиёфат ал-башар», «Рисолаи касбдор», «Дурр ал-музоҳир» каби асарлари ҳақида маълумотлар учрайди. Олим ҳассос таржимон сифатида «Тарихи Табарий» асарини араб тилидан, «Тарихи Рашидий» асарини эса форс тилидан туркийга (уйғурчага) таржима қилган.


Муҳаммад Содиқ Қашғарий 1849 йилда вафот этган. У Қашғарда Юсуф Хос Ҳожиб мақбараси ёнидаги қабристонга дафн этилган.

Олимнинг одоб-ахлоққа оид муҳим педагогик асари «Одоб ас-солиҳин» («Солиҳларнинг одоблари») китобидир. Асар туркий тилда ёзилган бўлиб, муқаддима, етти боб ва хотимадан иборат. Ҳар бир боб эса тўрт фаслдан ташкил топган. У «Зубдат ал-масойил» номли асар билан бир жилда беш марта нашр этилган: икки марта Тошкентда (1889, 1901) ва уч марта Истамбулда (1891, 1892, 1896). Ҳозирги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фондида асарнинг иккита қўлёзма (1343, 1320 й. қўчирилган) ва олти тошбосма нусхалари сақланмоқда.

«Одоб ас-солиҳин» мундарижасиёқ унинг эътиборга лойиқ ахлоқий-тарбиявий асар эканлигини кўрсатади. Адиб мазкур асарни ёзишдан мақсадини қуйидагича баён қилган: «Толиби Содиқлар одоби зоҳирий ва одоби ботинийни билиб, анга амал қилмоқлари лозим келди, токи булар ҳам талабу сулукларидин фойда топиб, улуғлар мартабаларига етқайлар...».

Минтақада нақшбандия тариқати кенг тарқалгани боис асарда тасаввуф аҳлига тегишли кўрсатмалар ҳам ёритиб ўтилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни пайтда, бу кўрсатмалар халқимиз кундалик турмуш тарзига сингиб кетганини кузатиш мумкин. Бу китоб Туркистон халқи орасида катта шуҳрат қозонган ва илм аҳли орасида қадрланиб,

Муҳаммад Содиқ  
Қошғарийнинг  
«Одоб ас-солиҳин» асари  
халқимизнинг XIX  
аср бошларидаги  
одоб-ахлоқ  
меъёрлари ва  
диний-миллий  
қадриятларини  
ўзида мужассам  
этган



Китобнинг учинчи бобида суҳбатлашиш одоби баён этиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур. Бу қоидалар ҳар бир кишининг кундалик турмушида зарур бўладиган талаблари ҳисобланади

кенг истифода этилган. Бу даврда барча мадрасаларда мажбурий фан сифатида «Қуръон», «Тафсир», «Одоб ас-солиҳин», «Сабот ул-ожизин», «Ҳадис» ўқитиларди.

Асарда келтириб ўтилган одоб-ахлоқ меъёрларининг батафсиллиги ва «асҳоби шарифат ва арбоби тариқат кутуби мўътабарларидин жамъ қилинган»лиги унинг ишончли ва қимматли манба эканлигини намоён этади.

Жумладан, асарнинг биринчи бобининг учинчи фаслида берилган мулоқот (учрашув) одобига оид тавсиялари ҳам диққатга сазовор.

Китобнинг учинчи бобида суҳбатлашиш одоби баён этиладики, бу одоб қоидаларига инсон ҳар бир дақиқада риоя этиши зарур. Бу қоидалар ҳар бир кишининг кундалик турмушида зарур бўладиган талаблари ҳисобланади. Масалан, бу бобда ўттиз учта қоида қайд этилган бўлиб, улардан баъзиларини келтириб ўтамыз:

- мажлисда одоб ва ҳурмат бирла ўлтурғай ва тизини ўзгани тизига кўймагай ва икки кишини ўртасига беризо бориб ўлтирмагай;
- аҳли суҳбат кирган ва чиққан вақтда ўрнидан турғай;
- ўзини беадабона сўзидан ва феълидин, ямон ҳаракатдин ва ноҳамвор (ноўрин) сукунатдин сақлағай;
- аҳли суҳбатдин ҳеч хидматни кўз тутмагай ва ҳеч кимга хидмат буюрмагай;
- агар биродари фискега мубтало бўлса, хилватда насихат қилгай;
- суҳбатда пинакка бормагай;

- мажлисда ўзини ўзгалардин мумтоз қилмагай;
- бир киши сўзлаб турган вақтда сўзламагай, то сўзини тамом қилмагунча;
- ҳамсуҳбатларига кўб мазаҳ ва мутуйиба қилмагай. Ва ҳадди эътидол (ўртача ҳол)да иш тутгай.

Китобни тўлиғича ўрганиб, ундаги сўзларни инсон ўзига мезон қилиб олса ва амал қилса маънавий етук инсон тарбияланишига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Аждодларимизга муносиб авлод бўлиш учун биз уларга ҳар тарафлама ўхшашликка ҳаракат қилишимиз лозим. Улар қолдирган асарларни ўрганиб, билмаганларга етказишимиз бизларнинг зиммамиздаги масъулиятдир.

Ҳозирги кунимизда маданиятлар қоришуви натижасида, аста-секин халқимиз ҳаётида унутилиб кетаётган миллий-диний қадриятларимизни, одоб-ахлоқ меъёрларини соф ҳолида авлодларга етказиш энг асосий вазифалар сарасига киради.

Шу боис «Шарқона ахлоқ кодекси» деб эътироф этилган «Одоб ас-солиҳин» китоби миллий-диний қадриятларимизни ёритиб берувчи таълимий-ахлоқий манбалардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир.

Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда бу асарни бобма-боб ўрганиб ҳаётга татбиқ этиш ҳар томонлама етук инсон ва кадрларни шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Китобни тўлиғича ўрганиб, ундаги сўзларни инсон ўзига мезон қилиб олса ва амал қилса маънавий етук инсон тарбияланишига пойдевор бўлиб хизмат қилади

### **Мохира Абдуллаева, преподаватель Ташкентского исламского университета**

Данная статья посвящена великому ученому Востока Мухаммаду Садику Кашгари и его труду «Одоб ас-солихин». В статье рассматривается творчество Кашгари. Книга «Одоб ас-солихин» кратко и лаконично описывает ежедневное этическое поведение личности XVIII-XIX веков. Эта книга в свое время преподавалась, как одна из основных дисциплин в медресе. Как известно, на территории Средней Азии широко распространены тарикат накшбанди, исходя из этого, автор в первой главе описал правила поведения мурида и муршида. ■